

---

## БОЛАЛАРГА

1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда ҳам ҳар йили дилларда қувонч ила кенг нишонланади.

Байрам олдидан бугун шаҳардаги 37-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 1-сонли ихтисослаштирилган МТТда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Ширинтой ўғил-қизлар иштирокида концерт дастури тарзида ташкил этилган тадбирда сўз олган шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов бошчилигидаги сектор раҳбарлари болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгалари эканлиги, уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила ва ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб, болажонларга байрам совғаларини улашдилар.

2024-05-31 15:14:53